



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажиги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 19 март, № 55 (5222)

Шанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 18 март кун Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши ва Марказий ҳарбий кенгаши аъзоси, мудофаа вазири Лян Гуанлени қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, кейинги йилларда Ўзбекистон — Хитой муносабатлари икки томонлама ҳамкорлигининг барча соҳаларида изчил ривожланиб бораётганини, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг 2010 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифидан кейин янги, янада юқори суръат қасб этганини таъкидлади. — Биз Хитойни ишончли ҳамкор деб биламиз. Бугунги кунда Хитой

ўз иқтисодий салоҳияти бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. Сизнинг ташрифингиз мамлакатларимиз мудофаа вазириликларининг ўртасидаги ҳамкорлик мустақамланиб бораётганининг ёрқин намоёнидир, — деди Ислоҳ Каримов. Икки ва кўп томонлама ҳамкорликка ҳамда минтақавий ва халқаро сўбатга оид муҳим масалаларга ёндашувларининг ўхшаш ва яқин экани мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни изчил ривожлантириш ва ўзаро

манфаатли шерикликни мустақамлашнинг салмоқли рағбатлантирувчи омилдир. Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Хитой бир-бирини қатъий қўллаб-қувватлаб, “уч ёвуз куч” — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашда яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Учрашувда минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустақамлаш ҳамда савдо-иқтисодий, сармовий ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги узоқ муддат

ли ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим омилга айланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга экани таъкидланди. Томонлар иқтисодий ва сармовий ҳамкорликнинг суръати ва кўлами ошиб бораётганига, инфратузилма ва саноат соҳасида йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилаётганига юқори баҳо бердилар. Учрашувда Лян Гуанле мамла-

катимиз раҳбарига Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг эзгу тилаklarини изҳор этди, самимий қабул учун миннатдорлик билдирди. Музокарада сиёсий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги икки томонлама ҳамкорлигининг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан атрафлича фикр алмашилди. (ЎЗА). Сарвар ҲУМОНОВ олган суратлар.



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLII MAJLISI SENATIDA

Кенгаш аҳолида, биринчи навбатда, ёшларда юксак ҳуқуқий маданиятни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига хурмат билан муносабатда бўлишни шакллантириш, фуқароларнинг қонунга итоаткорлик туйғусини таъминлаш борасидаги давлат дастурларини амалга оширишнинг бориши масаласини кўриб чиқди. Масала Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмиталари томонидан Сенатнинг 2011 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурига мувофиқ тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим ҳамда халқ таълими вазирилик, шунингдек, мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган ва сўзга чиққан мажлисда таъкидланганидек, мамлакатимиз таълим муассасалари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, соғлиқни сақлаш тизими муассасалари ва бошқалар билан биргаликда аҳоли, энг аввало, ёшлар ўртасида юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилаётди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Мақамасининг 1998 йил 29 майдаги “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик тизимининг таълим муассасаларида ҳуқуқий йўналишлар бўйича 17 та умумий ихтисослик фани мавзуд бўлиб, уларнинг тўлиқ ҳажми 3633 соатни ташкил этади. Шунингдек, 648 соат ҳажмида 6 та ихтисослаштирилган фан ўқитилмоқда. Булардан ташқари, ўқув режаларида кўшимча равишда 418 соат ажратилган бўлиб, шуларнинг 270 соати талабаларнинг ўзлари танлаган соҳа фанларини ўрганишига ажратилган. Шу билан бир қаторда, олий ўқув юрталарининг бошқа факультетларида ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ҳар томонлама чуқур ўргатиш йўлга қўйилган.

Умумтаълим мактабларининг юқори синфларида “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фани ўқитилмоқда. Таълим жараёнида 5 — 7-синфлар учун 51 соат ҳажмида “Конституция оламига саяхат”, 1 — 4-синфлар учун эса “Конституция алифбоси” ўқув курслари татбиқ этилапти. Таълим муассасаларида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш мақсадида педагогика соҳасидаги инновация технологиялари изчил қўлланилиб, ҳуқуқий мавзуларда турли қўшқир-танловлар, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этилаётгани аниқ мудоаа бўлаётди. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар таркибини, ижтимоий-гуманитар фанларни, хусусан, ҳуқуқ фанларидан дарс берадиган ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда. (Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси олдиқдан

Олий Мажлис юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида сенаторлар томонидан “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги Қонун қирғиш чиқиши режалаштирилмоқда.

Қонун фуқаролар ҳаёти, соғлигини ҳамда атраф-муҳитни ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни кучайтириш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган халқаро конвенциялар нормалари рўйбга чиқарилиши муносабати билан миллий қонунчилик базасини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, шунингдек, радиациявий хавфсизлик соҳасидаги атамалар ва тушунчалар бир хил қўлланилишига эришиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ҳал шундаки, мамлакатимизда ҳам бошқа ривожланган давлатлардаги каби ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланилади. Улар саноатда, қишлоқ хўжалигида, тиббиётда, фанда, шунингдек, иқтисодиётнинг

АҲОЛИ ҲАЁТИ ВА СОҒЛИҒИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ

соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг пировард мақсадидир

бошқа соҳаларида қўлланилади. Мамлакатимизда радиациявий ва ядровий хавфсизлик масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. 1992 йил 3 июлда “Давлат санитария нazorати тўғрисида”ги, 2000 йил 31 августда “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги, 2002 йил 5 апрелда “Чикиндилар тўғрисида”ги қонунлар, шу билан бирга, фуқаролар ҳаёти, соғлигини ҳамда атраф-муҳитни ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишга доир қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Айти пайтда сўнгги йилларда радиациявий ва ядровий хавфсизлик соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўлиши ва радио-актив чиқиндилар билан муомалада бўлиши хавфсиз-

қилиши ҳақида”ги, “Ишлаб бўлинган ёқилғи билан муомалада бўлиши хавфсизлиги тўғрисида”ги ва радио-актив чиқиндилар билан муомалада бўлиши хавфсиз-

циявий хавфсизлик соҳасидаги мувофиқлаштирувчи органни аниқлаштирувчи 2 та моддадан иборат. Шундай қилиб, Президентининг 2010 йил 27 августдаги “Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (“Саноатқонтехназорат” ДИ) Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (“Саноатқонтехназорат” ДИ) этиб қайта ташкил қилинди. Шу муносабат билан “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг 8 ва 22-моддаларидаги ушбу орган номига доир қондалар янги тахрирда баён этилмоқда.

лиги ҳақидаги Бирлашган Конвенцияга (Вена, 1997 йил 5 сентябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида”ги қонунлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Радиациявий хавфсизлик соҳасидаги қонунчиликни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижаси “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлигини кўрсатмоқда. Сенатнинг бешинчи ялпи мажлисига кўриб чиқиш учун киритилган мазкур Қонун ради-

камуқий тайёрланган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Қонунни қабул қилиб, Олий Мажлис Сенатига маъқуллаш учун тақдим қилди. Мазкур Қонун билан Конституциямизга киритилаётган давлат ҳокимиятининг урта субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишига, сиёсий партияларнинг ижро этувчи ҳокимиятни шакллантиришдаги ролини кучайтиришга, парламентнинг ҳуқуқат фаолияти устидан амалга оширадиган назорати самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг аҳамияти кўнради ҳолатларда намоён бўлади. (Давоми 2-бетда).

ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР, СИЁСИЙ РАҚОБАТ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Истиқлол йилларида, айниқса, 2000-2010 йилларда мамлакатимиз давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида сиёсий партияларнинг роли ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Парламентдаги сиёсий партиялар фракциялари янада фаоллашмоқда, сиёсий партияларнинг қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ошишига, улар умум-халқ манфаатлари нуктаи назаридан қабул қилинишига бавосита таъсири ортмоқда.

Айти пайтда бу давр мобайнида сиёсий партиялар томонидан тўпланган тажриба, аҳоли ижтимоий-сиёсий фаоллигининг тобора юксалиб бораётгани, шунингдек, жамиятимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнининг ҳозирги босқичи давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамла-

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифар

катни модернизация қилишда сиёсий партиялар, сиёсий рақобат ролини кучайтиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма маж-

лисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қўрқлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номи маърузасида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтиришга оид қатор таклифлар илгари сурилди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси давлатимиз раҳбарининг мазкур Концепцияда билдирилган қонунчилик ташаббусларига

ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ УҒҚЛАРИ

Урганч шаҳрида молиявий хизматлар ярмаркаси бўлиб ўтди. “Ўзбек Лизинг Интернейшнл АО” компанияси, вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси худудий бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда вилоятдаги 300 га яқин тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва ишбилармонлар қатнашдилар.

Тадбирда 16 та лойиҳа бўйича 2 миллиард 270 миллион сўмлик шартномалар имзоланди. Шунинг таъкидлаш жоизки, “Ўзбек Лизинг Интернейшнл АО” компаниясининг вилоятдаги ваколатхонаси 2010 йилда ташкил этилган бўлиб, ўтган давр мобайнида 1 миллиард 150 миллион сўмлик 9 та лойиҳани амалга оширди. Бундан ташқари, ҳозирги пайтда яна 1 миллиард 254 миллион сўмлик 6 та лойиҳани бажариш ишлари давом эттирилмоқда.

Ярмарка

Уларга 14 та нуфузли чет эл компанияси ўзларининг ихчам, замонавий, энергия тежайдиган техник ва технология ускуналарини кўргазмали воситалар орқали намойиш этилди. Бу минтехнологиялар тадбиркорларга лизинг асосида тақлиф қилинган билан аҳамиятли бўлди. Ярмаркада тадбиркорларга қандолат, нон ва

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши ва Марказий ҳарбий кенгаши аъзоси, мудофаа вазири Лян Гуанле раҳбарлигидаги делегация 18 март кун Оқсаройда Президент Ислаҳ Каримов билан учрашди.

МУДОҒАА ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда, жумладан, ҳарбий йўналишда ҳам изчил ривожланаётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасида ҳарбий соҳадаги алоқаларни янада ривожлантиришга, минтақавий хавфсизликни мустақамлашга, ўзаро тажриба ва ахборот алмашишни фаоллаштиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу кун Хитой делегацияси аъзолари Тошкент Олий умумқўшун қўмондонлик билан юртида ҳам бўлиб, мазкур ҳарбий билим юртининг моддий-техник базасини мустақамлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар, бу ерда курсантларнинг билим олиши учун яратилган қулай шароитлар билан танишди.

Хитой делегацияси, шунингдек, Темурийлар тарихи давлат музейида ҳам бўлди ва экспонатларни кўздан кечирди.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI

ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биргина олий ўқув юртлирининг ўзида юридик фанлардан 511 нафар олий тоифадаги ўқитувчи дарс бермоқда. Чунинчи, Тошкент давлат юридик институти ҳузуридagi малака ошириш курсларида 2008 — 2010 йиллар мобайнида олий ўқув юртлирининг 200 нафардан ортиқ ўқитувчиси малака оширди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши таллабларини бажариш мақсадида Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида, шунингдек, ви-

лоятлардаги қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтларида умумтаълим мактабларининг 13 минг нафардан зиёдрок ўқитувчиси таълим курсларидан ўтди. Сенат Кенгаши ушбу масала бўйича ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий билимлари сифатини янада оширишни, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган профилактика тадбирларининг самарадорлигини кучайтиришни, таълим муассасаларини тегишли ўқув қўлланмалари билан таъминлашни, аҳолининг ҳуқуқий маданият даражасини оширишда оммавий ахборот воситаларининг кенг иштирок этишини, бу соҳада қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари сўзсиз бажарилишига

эришишни назарда тутадиган тегишли қарор қабул қилди. Мажлисида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Адлия, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликлари ҳамда Бош прокуратурасининг раҳбарлари, шунингдек, таълим муассасаларининг, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Маҳалла” ва “Нуруний” жамғармалари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

АГРАР СОҶА ИСТИҚБОЛИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Тадбирда таъкидланганидек, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш, қонунлар ижросини назорат қилиш борасида ўтган йили қўмига томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, 17 та қонунни тақомиллаштириш устида иш олиб борилди. “Деҳқон ҳужалиги тўғрисида”ги, “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги, “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги, “Уруғчилик тўғрисида”ги, “Ветеринария тўғрисида”ги (янги тахрир) қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар, шунингдек, чорвачилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.



Айни пайтда депутатлар томонидан “Фермер ҳужалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. Мазкур лойиҳа соҳа қонунчилигидаги айрим бўшлиқларни ўлдирдишга қаратилган билан аҳамиятлидир. Унга қўра, Қонунга фермер ҳужаликлари-нинг ишлаб чиқариш инфратуземасини барпо этишга қаратилган янги моддалар киритилмоқда. Айни чоғда тупроқ деградациясининг олдини олиш, ернинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳужалиқларига ем-хашак етказиб берадиган субъектлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ҳамда озука етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган фермер ҳужалигининг янги турини ташкил этиш масалалари ушбу ҳужжатда қамраб олинмоқда.

Мазкур тадбир Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўша мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номи маърузасида белгилаб берилган вазифаларни рўйба-га чиқариш мақсадида ўтказилди. Зеро, Концепцияда модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳами-

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йигилиши бўлиб ўтди. Унда “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини Наманган ва Сурхондарё вилоятларидаги ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил якунлари муҳокама қилинди.

Мазкур тадбир Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўша мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номи маърузасида белгилаб берилган вазифаларни рўйба-га чиқариш мақсадида ўтказилди. Зеро, Концепцияда модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳами-

си рақамлаштирилиб, бу борадаги курсаткич 88,6 фоизни ташкил қилмоқда.

Шу нарса аҳамиятлики, кейинги вақтда интернет провайдерлари томонидан истеъмолчиларга тақдим этилаётган интернет хизматлари нархлари сезиларли равишда пасайтирилди. Бу эса, ўз навбатида, тармоқдан фойдаланувчиларнинг қўйишига хизмат қилаётди. Хусусан, ҳозирги кунда Наманган вило-

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ят касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиш тизимида кенг фойдаланиш, шунингдек, фуқароларни телекоммуникация хизматлари билан тўлақонли ва сифатли таъминлаш мақсадида “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонун нормаларини янада тақомиллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланган эди.

Игилишида сўзга чиққанлар, шунингдек, ҳар икки вилоятда ҳам амалга оширилиши лозим бўлган ишлар борлигига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилиши борасида айрим камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги ўқитилди.

Игилишида қайд этилганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ҳамда аҳолига сифатли хизматлар кўрсатишда ахборот-коммуникация соҳасининг аҳамияти бирмунча ортиди. Хусусан, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар боис Наманган ва Сурхондарё вилоятларида ушбу тизимни ривожлантириш ҳамда ундан самарали фойдаланишда муҳим ютуқларга эришилди.

Чунинчи, Сурхондарё вилоятида телекоммуникация тармоқларини модернизация қилиш ва янада ривожлантириш мақсадида 14 та тумандаги 33 ва Термиз шаҳридаги 8 та телефон станцияси рақамли тизимга алмаштирилди. Вилоят ҳамда туман марказларидаги телефон станциялари эса 474 км. узунликдаги шимша толали оптик алоқа тармоғи орқали туташтирилган. Вилоятда бугунги кунда ушбу соҳани рақамлаштириш даражаси 82 фоизга етди. Наманган вилоятида ҳам 11 та тумандаги 85 та ва Наманган шаҳридаги 18 та телефон станция-

Парламентдаги мухбирларимиз хабар қилади.

Анжуман якунида қўмига фаолиятини ёритишда фаоллиқ кўрсатган бир гуҳр журналистларга эсдалик совғалари топширилди.

Зокир ХУДОЙШУҚРОВ.

АҲОЛИ ҲАЁТИ ВА СОҒЛИҒИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

соҳадаги қонунчиликни тақомиллаштиришнинг пировард мақсадидир

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан ташқари, Ишлатиб бўлинган ёқилғи билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисида ва радиоактив чинкиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги ҳақидаги Бирлашган Конвенциянинг (Вена, 1997 йил 5 сентябрь) ҳар қайси Аҳдлашувчи Томон радиациявий хавфсизлигини таъминлаш учун тартибга солувчи органни таъсис этишини ёки тайинлашини назарда тутадиган нормаларини (20-модда) рўйбага чиқариш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 июлдаги қарорига мувофиқ, “Саноатгео-контехназорат” ДИ барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудида саноат ва радиация хавфсизлигига доир қонунлар ва норматив-техникавий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи саноат хавфсизлиги соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланганини эътиборга олиб, “Саноатгео-контехназорат” ДИ бошқа ваколатли органларнинг радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган, деб белгиланмоқда.

Бу, ўз навбатида, “Саноатгео-техназорат” ДИ томонидан амалга оширилаётган ваколатларнинг қонунчилик асоси механизмининг тақомиллаштиришга, радиациявий хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиши ва тўла-тўқис рўйбага чиқарилишига, бу соҳада ягона давлат назорати ва ҳисоби тизими фаолият кўрсатишига ёрдам беради.

Шу билан бир қаторда, радиоактивликнинг атроф табиий муҳитга ва фуқаролар соғлиғига таъсири устидан жамоат назоратини кучайтириш мақсадида, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини нормаларини “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларига мувофиқлаштиришни назарда тутиб, 8-модданинг тўртинчи қисмига радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги жамоат назоратини нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар билан бир қаторда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳам амалга оширишини белгилувчи ўзгартиш киритилмоқда.

Шунингдек, хом ашё, қурилиш материаллари ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш жараёнида инсон саноатлиги ва атроф-муҳитга радиациявий хавф туғилиши эҳтимоли бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддасининг учинчи қисмига ионлаштирувчи нурланмиш манбаларидан фойдаланувчилар билан бир қаторда, таркибда табиий радиоактив элементлар мавjud бўлган хом ашё, қурилиш материаллари ва минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчиларга ҳам радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида ишлаб чиқариш назоратини олиб бориш (амалга ошириш) мажбуриятини юқовчи қўшимча киритилмоқдаки, бу ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш ва амалга ошириш чоғида уларнинг масъулиятини кучайтиришга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритишлар мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг ижро этилишини яхшилашга, шунингдек, жойларда аҳолининг соғлигини ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишда масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Ю. ТУРСУНБАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаса ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР, СИЁСИЙ РАҚОБАТ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биринчидан, ҳокимиятнинг вакилик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштироки унун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар вуҷудга келади.

Иккинчидан, марказда ва жойларда сиёсий партиялар фракциялари ҳамда сиёсий партиялар гуруҳлари томонидан тегишлика ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини юзасидан назоратини таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизмлар янада тақомиллашади.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловлардан энг кўп депутатлик ўринини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан тақлиф этилиши сиёсий партияларнинг ўз дастурий мақсадларини қонунларда ифода этиши билан бир қаторда, қонунларнинг ижросини таъминлаш жараёнига фаол таъсир кўрсатиш имкониятини берадиган ҳуқуқий механизмларни яратди.

Туртинчидан, қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимияти органларига сайловда ўз вакилларининг қўлга сайланишига эришган партия ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантириш, уларнинг мансабдор шахслари лавозимларига номзодлар кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Партиялар, энг аввало, ўзлари кўрсатган ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахслари орқали ҳуқуқат фаолиятга ҳам бевосита таъсир этиш имконига эга бўлади.

Яхши хабарлар

Нуқсда молиявий хизматлар ярмаркаси бўлиб ўтди.

Молиявий хизматлар ярмаркаси

“Ўзбек Лизинг Интернейшнл АО” компанияси қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбирда 15 га яқин хориж компанияси ўзлариде ишлаб чиқарилган технологик жиҳозларни намойиш қилишди. Оролбўйи тадбиркорлари, саноатчилари ҳамда фермерлари қатнашган мазкур тадбирда лизинг асосида қишлоқ ҳўжалиги, саноат, кимё, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган технологик линиялар хариди юзасидан шартномалар имзоланди.

Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Талаб ва тақлиф ортимоқда

Қўқон шаҳридаги мотор моллари тайёрлашга ихтисослаштирилган “Самира-Классик” масъулияти чекланган жамияти жамоаси янги имкониятларни ўзлаштириш ҳисобига ишлаб чиқаришда икки баробарга оширди.

Корхонанинг шу турдаги хориж маҳсулотлари билан бемалол рақобатлаша оладиган сифатли мотор молларига ички бозорда талаб кучайиб бормоқда. Хусусан, 14 киши меҳнат қилаётган жамиятда жорий йилнинг ўтган икки ойи мобайнида 300 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Таъкидлаш керакки, 2010 йилда “Самира-Классик” тамғаси билан ички бозорга 1 миллиард 100 миллион сўмлик маҳсулот қилинди.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КЎЧАТ ЭК, БОҒ ЯРАТ

Сурхондарё вилоятида мевали боғларнинг умумий майдони 14796 гектарни ташкил қилади. Утган йили уларнинг ҳар гектаридан 82 центнердан ошириб ҳосил олинди.

Мутахассисларнинг айтишича, мавжуд боғлар реконструкция қилиниб, мевали дарахтларнинг интенсив навлари парваришланса, ҳосилдорлик бундан тўрт-беш баравар ошиши мумкин. Шу боис вилоятда бу хайрли иш жадал олиб бориламоқда. Буни боғдорчиликка ихтисослаштирилган 1500 нафар ортиқ фермер ҳужалиқлари ўз зиммаларига олгани, айниқса, қувонарлидир.

Мавсум

— Жумладан, 263 гектарда янги боғлар яратилиб, 523 гектарда реконструкция ишлари нийҳосига етказилмоқда. Бу тадбирда аҳоли ҳам четда қолаётгани йўқ. Улар ўз томонқалари, ариқ ва кўча бўйларига қўллаб манзарали-мевали дарахт ниҳоллари қадаётгани диққатга сазовордир.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тухфа

Наманган шаҳридаги Зарбдор маҳалласида замонавий услубда қурилган янги гузар фойдаланишга топширилди.

Маҳаллага кўрк қўшган гузар

Бунинг учун “Бахтиёр дийр” хусусий корхонаси томонидан 20 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Айни пайтда 11 киши меҳнат қилаётган ушбу мажмуада оталар чойхонаси, озиқ-овқат ва гўшт дўкони, тикувчилик цехи ҳамда сартарошона ишлаб турибди.

Тадбир

Мазкур ҳуқуқий мажмуада белгиланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизмининг янада тақомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқариш

ришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш каби вазифалар тижорат банклари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Шу мақсадда “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан “Энг яхши бизнес-лойиҳа” танлови эълон қилинган эди. Унда мамлакатимиз бўйича саксондан ортиқ тадбиркорлик субъекти ўз бизнес-

лойиҳаси билан иштирок этди. Танлов жараёнида асосий эътибор ушбу лойиҳаларнинг иқтисодий долзарблиги, ижтимоий самарадорлиги, ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш

ва янги иш ўринлари яратиш имкониятларига қаратилди. Тадбир якунида Бухоро вилоятидаги “Бух тех компрессор” масъулияти чекланган жамиятининг янги турдаги ёғоч-полимер маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳаси — биринчи, Навоий вилоятидаги “Дурдона лозат” хусусий корхонасининг аҳолини гўшт маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган лойиҳаси — иккинчи ва Сурхондарё вилоятидаги “Сурхон қурилиш бутлаш” хусусий корхонасининг турли хилдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга доир лойиҳаси учинчи ўринга лойиқ, деб топилди.

Маҳмуд НАЖИМОВ, Тошкент давлат юридик институти кафедрасининг мудири.

ЭНГ ЯХШИ БИЗНЕС-ЛОЙИҲАЛАР

Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ўрни ва мавқеи тобора ошиб бораётди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 7 февралда қабул қилинган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида”-ги қарори бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришда муҳим қўлланма бўлмоқда.



ришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш каби вазифалар тижорат банклари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Шу мақсадда “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан “Энг яхши бизнес-лойиҳа” танлови эълон қилинган эди. Унда мамлакатимиз бўйича саксондан ортиқ тадбиркорлик субъекти ўз бизнес-

лойиҳаси билан иштирок этди. Танлов жараёнида асосий эътибор ушбу лойиҳаларнинг иқтисодий долзарблиги, ижтимоий самарадорлиги, ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш

Ф. САНАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗПАХТАСАНОВАТ»

ҚИШМИС, ҚИНИГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОҢ РЕСПУБЛИКАСИ
ВА ВИАЛИТАРДАГИ ХИДАМИ БИРАШМАЛАРИ.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАМДА ҚИЛИМ ҚИЛИМ ҚОРАҚАЛПОҒИ
ЖАМОАЛАРИ ҲАМДА ҚИЛИМ ҚИЛИМ ҚОРАҚАЛПОҒИ

Наврўзи олам

Билан саманай қутлайди!
Барчага мушарраф соғин,
Баси-садам, жамаатларини
Ҳақларда доимо тинчлик-аманлик
Бўлганин тилайди!



ХАЛҚ BANKI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Ҳа.модди ма.м.мақомини му
ақомини муқ.муқ.муқ.муқ
ва муқ.муқ.муқ.муқ.муқ —
Наврўзи муқ.муқ.муқ.муқ
билан муқ.муқ.муқ.муқ!
Қорини муқ.муқ.муқ.муқ
рада фаровон, осмонини муқ
ҳамма муқ.муқ.муқ.муқ!

НАВРЎЗИ ОЛАМ

муқ.муқ.муқ.муқ.муқ!

Халқ вақти муқ.муқ.муқ.муқ
ва муқ.муқ.муқ.муқ.муқ.муқ
муқ.муқ.муқ.муқ.муқ.муқ.
Арабларини муқ.муқ.муқ.муқ.муқ
муқ.муқ.муқ.муқ.муқ.муқ!

Ўзбекистон - Германия

«САВАОГАР»

очик акциядорлик тижорат
Банки жамоаси

Ўзбекистон халқини,
муқ.муқ.муқ.муқ.муқ
ва муқ.муқ.муқ.муқ.муқ,
барча муқ.муқ.муқ.муқ.муқ

Наврўзи

бийли билан
муқ.муқ.муқ.муқ.муқ!

Давлатини муқ.муқ.муқ.муқ
ва муқ.муқ.муқ.муқ.муқ.муқ
муқ.муқ.муқ.муқ.муқ.муқ
муқ.муқ.муқ.муқ.муқ.муқ
муқ.муқ.муқ.муқ.муқ.муқ
муқ.муқ.муқ.муқ.муқ.муқ

«ЎЗ ДОН МАХШУЛОТ»

НАВРҲА АДОБИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъодлар учун «Ниҳол» мукофоти иқтидорли йигит-қизларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инобатга олиб, ўзининг эстрада, мусика, мумтоз кўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги соҳасидаги маҳорати билан одамларнинг юрагига ётиб борадиган, ёшларни эзгуликка чорлайдиган, улар-

ни маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган асарларни яратишда фаоллик кўрсатаётган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида берилади.

«Ниҳол» мукофотининг биринчи саралаш босқичи Республикамиз шаҳар-туманларида жорий йилнинг 15 апрелидан 15 майгача, иккинчи

саралаш босқичи 15 майдан 15 июн-гача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида ўтказилади. Номзодларнинг ҳужжатлари жойлардаги маданият ва спорт ишлари бўлимлари томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги.

Юртимизни бежизга «Аллоҳ назари тушган замин», дея таърифлашмайди. Бу кўпдан-кўп чуқур ҳаётий ва маънавий асосларга эга. Масалан, Аллоҳ назар қилганидан бўлса керакки, Туронзамин бағридан тарихда бири-бирдан шухратли жуда кўп алломалар, пиру устозлар етишиб чиққан. Бундай шарафга Ер юзидида камдан-кам мамлакат муяссардир. Шундай алломалардан бири Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Замахшарий бўлиб, у миллодий 1075 йилнинг 19 март куни Хоразм воҳасининг Замахшар деган чекка қишлоқларидан бирда дунёга келган ва кўҳна Шарқнинг буюк алломаларидан бири даражасига кўтарилган.

ЗАМАХШАРДАН ЧИҚҚАН АЛЛОМА

Бу улғу сиймо тўғрисида Президентимизнинг «Оқсак маънавият — энгилмас куч» асарида фахр ва гурурга тўла шундай сўзларни ўқиймиз:

«Еки ўрта асрларда Хоразм дёридан олис Арабистонга бориб, араб тили грамматикасини мукамал тарзда ишлаб чиққан, илм-фаннинг кўллаб бошқа соҳаларида ҳам шухрат қозонган Маҳмуд Замахшарий бобомизни эсга олайлик. Ўзининг жисмоний ногиронлигига қарамай, дунёнинг кўллаб мамлакатларига машаққатли сафарлар қилган, теран билими ва илмий салоҳияти билан бутун ислом оламини лол қолдирган бу зот, ҳеч шубҳасиз, халқимиз учун маънавий етуклик тимсоли бўлиб қолаверди».

Аллома илм хат-саводни ва хаттотлик санъати кўникмаларини отаси — масжид имомидан ўрганди. Ун икки ёшида билим-малакасини ошириш ниятида Бухоро мадрасаларига йўл олади. Аммо йўлда отдан йиқилиб, оёғи синида ва умрбод кўлтиктаёқда юрадиган бўлиб қолади.

Ногиронлиги унинг илм-фанга, маърифатга бўлган иштиёқини сўндириб қўймади. У аввал Бухоро мадрасаларида таълимни давом эттириб, араб тили ва адабиётини, диний илмларни пухта эгаллади. Хусниҳатдаги камолотининг шухрати Хоразмшоҳ саройига етиб бориб, уни котиблик хизматида олишди. Кейин илмини чуқурлаштириш мақсадида, қўлтиктаёққа таяниб Осмё шаҳарлари бўйлаб сафарга чиқди. Аввало, Марвад, кейин Нишопурда, Исфохон, Дамашқ, Бағдод ва Ҳижозда бўлди. Икки марта Макка шаҳрига бориб, бу ерда узоқ туриб қолди. Сафар чоғида Шарқнинг кўпгина

алломаларидан сабоқ олди, уларнинг илмий-ижодий суҳбатларида иштирок этди ва ўзи ҳам замонасининг забардаст олими мартабасига эришди. Умрининг охирида Хоразмга қайтиб, 1144 йилда Журжонда (кўҳна Урганчда) вафот этди.

Замахшарий кўпгина асарларини Маккада ёзган. Шу боисдан Жоруллоҳ («Аллоҳ-

ишланган нухсани «Ал-Унмузан» («Намуна») деб атади.

Аллома араб тили луғатшунослигининг ривожига ҳам катта ҳисса қўшди. Унинг бу йўналишдаги «Жавоҳир ул-луғат», «Ал-муъжам ул-арабий-форсий» каби китоблари анча машҳур. Замахшарий луғатларида араб, форс ва туркий сўзлар ўзаро қиёсланган ҳолатда, уларнинг луғавий

маънолари очилади. Замахшарий луғати айнан кўп тиллиги билан нафақат араб, балки форс ва туркий халқлар луғатшунослиги тарихида ҳам салмоқли ўрин тутди.

Замахшарийнинг «Ал-Мустаксо фил-амсол» («Камолга етган мақоллар») китобида араб халқлари орасида кенг тарқалган мақоллардан юзлаб намуналар берилган. «Асос ал-балогат» («Нотиклик асослари») деб номланган бошқа бир китобида араб тилининг ифода имкониятлари ва нафосати ҳақида сўз юритилади. «Китоб ал-ҳибон вал-амкина вал-мийях» («Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида китоб») асари эса Арабистон географияси масалаларига бағишланган.

Маҳмуд аз-Замахшарий муулмон дунёсидаги забардаст тафсирчилардан бири

ҳамдир. Маълумки, тарихда Қуръон қалималари, оятлари ва суралари талқинига бағишланган машҳур китоблар мавжуд. Улар «тафсирлар», яъни «талқинлар» деб аталади. Энг йирик тафсир Муҳаммад ат-Табарий (838-923) томонидан яратилган бўлиб, у 30 жилдан иборат. Замахшарийнинг «Ал-Кашшоф ан-ҳақоик ит-танзийл ва уйун ил ақовийл фи вуҳуҳ ит-таъвийл» («Қуръон ҳақиқатлари ва уларни шарҳлаш орқали сўзларнинг кўзини очиш») номли тафсири, мутахассислар фикрича, ихчамлиги ҳамда оддий инсонларнинг ҳаётий мақсад ва манфаатларидан келиб чиқиб, унда Қуръон сўзлари, оятлари ва сураларининг маънолари очилганлиги алоҳида қимматлидир. Ҳозирги кунда ҳам Қоҳиранинг машҳур Ал-Азҳар дорилфунунда бошқа тафсирлар қаторида Замахшарийнинг ушбу тафсири ёрдамида «Қуръон»ни ўрганилади. Алломанинг «Ал-Фоик фи гариб ал-ҳадис» («Ғариб (яъни ғаройиб) ҳадислар ҳақида қимматли китоб») номли бошқа бир асарида ҳадисларда учрайдиган, маъносини англаш осон бўлмаган иборалар ва сўзлар талқин этилади.

Замахшарийнинг «Рабийъ ул-аброр ва нуус ул-аҳйар» («Эзуликлар баҳори ва яхшилар баёни»), «Ал-Қустос фил-аруз» («Арузда ўлчов») каби асарлари араб адабиётшунослигининг нодир намуналари сифатида ҳамон эъзозланади.

Унинг машҳур «Мақомат» асари ҳикматли ва қизиқarli халқ ҳикоялари тўпламидир. Бу китоб европаликларни ҳам қизиқтириб қўйган ва қитъа тилларига ўғирилган. Алломаларнинг лирик ва фалсафий шеърлари, қасдаларию фахрийларини ўз ичига олган «Девони уз-Замахшарий» китоби эса уни Шарқнинг ўткир нафасли мумтоз шоирларидан бири сифатида намоён этади.

Шарқда ва Ғарбда кенг танилган ҳамда Араб ва Ажам оламининг улкан пиру алломаси саналган Маҳмуд аз-Замахшарий мероси собиқ ўро тузуми даврида эътиборсиз қолди. Фақатгина истиқлол даврида, муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида миллий ўтмишимизнинг порлоқ сиймолари қаторида Маҳмуд аз-Замахшарийнинг бебаҳо маънавий мероси ҳам атрофича ўрганила бошланди. Алломанинг тилимизга таржи-ма қилинаётган асарлари тобора кўпайиб бормоқда.

Михли САҒАРОВ.

Тарихингдир минг асрлар...

нинг кўшиси») деган табаррук номга муносиб қўрилди. Алломадан бизга бой ва улкан илмий-ижодий мерос етиб келган. Унинг диний илмлар, тафсиршунослик, луғатшунослик, грамматика, аруз, адабиёт, мантиқ, география илмий йўналишларида ўрта асрлардаёқ катта шухрат топган асарлари бор.

Чунончи, алломанинг «Ал-Муфассал» («Грамматика бўйича муфассал китоб») номли асарида араб тилида гап тузилиши («Наху») ва сўз ясалishi («сарф») масалалари чуқур таҳлил этилган. Ушбу асар Хорун ар-Рашид даврида яшаб, унинг саройида хизмат қилган машҳур тилшунос аллома Сивайхнинг араб тили грамматикасига доир 568 бобдан иборат маҳобатли китобидан кейинги, араблар ўртасида катта обрў-этибор топган йирик қўлланма ҳисобланади. Китобнинг нуфузини шу нарса ҳам исбот этадики, Шом (Сурия) ҳокими Музаффариддин Мусо «Ал-Муфассал»ни ёд олган ҳар бир кишини 5 минг кумуш танга ва сарупо билан сийлашини эълон қилган экан. Кейинчалик (эҳтимол, уни ёд олишни осонлаштириш учун) Замахшарий «Ал-Муфассал»ни ихчамлаштирди ва қайта



«НИҲОЛ» МУКОФОТИ САРАЛАШ БОСҚИЧЛАРИ ТЎҒРИСИДА

UzKDB Bank

Ўзбекистон Республикаси

НАВРҲА АДОБИ

Ўзбекистон Республикаси

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 78776 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпнов.
Навбатчи муҳаррир — А. Кутбиддинов.
Навбатчи — З. Худойкуров.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.50 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5